

O'ZBEKISTON

OVOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA



• 2005-YIL • 29-YANVAR • SHANBA • 12 (27.347) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ — ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОХ ЭТИШДИР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

28 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпусининг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халилов бошқарди.

Кун тартиби тасдиқлангандан сўнг депутатлар ва сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини топшириш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқди ва уни қондириб, янги ҳукумат таркиби шаклланишга ҳукуматга ўз вазифасини бажариб туришни топширди.

Қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш соҳасидаги асосий вазифалар тўғрисида маъруза қилди.


Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига Ш.Мирзиёев номзодини тавсия этди.

Президент Ислам Каримов маърузаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига номзод бўйича муҳокамада Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари, депутат А.Шодмонов, Қўқон шаҳри ҳокими, сенатор М.Усмонов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари, депутат А.Рустамов, Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, сенатор Н.Кучерский, Фидокорлар миллий демократик партияси фракцияси раҳбари, депутат А.Турсунов, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси, сенатор Б.Убайдуллаев, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари, депутат Х.Дўстмухамедов, Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси, сенатор Н.Аимбетов, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси раҳбари, депутат Д.Тошмухамедова иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маърузасидаги қоида ва хулосаларни тўлиқ қўллаб-қувватлади ҳамда Президент томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига тавсия этилган Ш.Мирзиёев номзодини маъқуллади. Давлатимиз раҳбари маърузаси юзасидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори қабул қилинди.

Парламент палаталари Ш.Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир этиб тасдиқлади ва палаталарнинг тегишли қарорини қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ниҳоясига етди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги МАЪРУЗАСИ

Хурматли депутатлар!

Қадри дўстлар!

Аваллаббор, сиз, азизларни Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси деган юксак номга, халқимиз ишончига сазовор бўлганингиз билан табриклаб, барчангизга ўзининг хурмат-эҳтиромим ва эзгу тилақларимни билдиришга ружнат бергайсиз.

Илк бор икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистоннинг янги тарихида алоҳида, гоёт муҳим ўрин эгаллади, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайд.

Конституциямиз, республикаимизнинг сайлов қончилиги талаблари ҳамда халқаро меъёр ва қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, очкилик ва сиёсий бағрикенглик шароитида ўтган сайловлар, мамлакатимиз демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан илгари бораётганининг яна бир ёрқин далили бўлди.

Бугун Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловларга яқун ясар эканмиз, қуйидаги хулосаларни чиқаришимизга тўлиқ асос бор.

Биринчидан, ушбу сайловлар биз учун чинакам демократик тамойиллар, сайловнинг меъёр ва механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда яхши мактаб ва зифасини ўтади.

Иккинчидан, мамлакатимизда икки палатали парламентга сайловлар ўтказиш бўйича қабул қилинган кўп жиҳатдан ўзига хос тизим ҳамда сайловлар жараёнининг ўзи республикаимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг кескин жонланиши ва фаоллигини кучайтиришда, айтиш керакки, уларнинг

масъулияти ортишида гоёт кучли омил бўлди.

Сайловларда қатнашган барча сиёсий партияларнинг қонунга мувофиқ равишда бугун парламентнинг Қонунчилик палатасида ўз фракцияларини ташкил этиш учун етарли ўринга эга бўлганининг ўзи ҳам уларнинг сайловчилар томонидан муносиб эътироф этилганидан далолат беради.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан Қонунчилик палатасига кўрсатилган 54 та номзоддан 12 нафар мустақил депутат сайлангани ҳам алоҳида эътиборга лойиқ, деб ўйлайман.

Учинчидан, сайловларни ўтказиш жараёнида сайловчиларимиз ўзларининг сиёсий ва фуқаролик савияси етуқлигини, ўз ҳаёти, ўз келажagini умумэтироф этилган демократик қадриятлар асосида қуришга қодир эканликларини намоян эълдилар.

Тўртинчидан, бўлиб ўтган сайловлар яна бир ҳақиқатни яққол тасдиқлади: мамлакатимизнинг демократик янгиланиши ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча асосий қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда ҳеч қандай куч тўхтата олмайди деган муқаррар, қонуний жараёнга айланди. Шундай деб айтишга бугун бизнинг барча асосларимиз бор.

Ва ниҳоят, бўлиб ўтган сайловлар аввалгиларидан наинки очкилиги ва кескин кураш олиб борилиши билан, балки, аввало, аксарият сайловчиларнинг бу жараёнлардан ҳар томонлама хабардорлиги, уларга онгли муносабати билан ҳам тубдан фарқ қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING СПИКЕРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қарор қилади:
1. Эркин Ҳамдамович Халилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.МУСТАФОВ
Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 январь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори

А.А.КАРИМОВНИ ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING СПИКЕРИ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қарор қилади:
1. Акрам Аббасович Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари этиб сайлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.МУСТАФОВ
Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 январь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори

М.САФАЕВАНИ ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING СПИКЕРИ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қарор қилади:
1. Машқура Сафаева Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари этиб сайлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.МУСТАФОВ
Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 январь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қарор қилади:
1. Мурот Шарифхўжаев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси этиб сайлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.МУСТАФОВ
Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 январь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори

Ф.Ф.МУХИТДИНОВАНИ ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING РАИСИ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қарор қилади:
1. Фарруха Фахриддинова Мухитдинова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари этиб сайлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.МУСТАФОВ
Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 январь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори

М.Т.ЕРНИЯЗОВНИ ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING РАИСИ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қарор қилади:
1. Муса Тажетдинович Ер尼亚зов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари этиб сайлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.МУСТАФОВ
Тошкент шаҳри, 2005 йил 27 январь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI BOSh VAZIRI NOMZODINI TASDIQLASH TŒGRISIDA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қарор қилади:
1. Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазир этиб тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.
3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Э.ХАЛИЛОВ
Тошкент шаҳри, 2005 йил 28 январь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI BOSh VAZIRI NOMZODINI TASDIQLASH TŒGRISIDA

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати қарор қилади:
1. Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазир этиб тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.
3. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси М.ШАРИФХЎЖАЕВ
Тошкент шаҳри, 2005 йил 28 январь



Суратларда: мажлисдан лавҳалар.
А. ТЎРАЕВ, Д. ЮСУПОВ, С. УРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар

(Давоми 2-3-бетларда.)

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HANKORI!

Тел: 132-25-51, 133-46-61, Факс: 133-20-74
WWW.tshmbn.uz E-mail: info@tshmbn.uz va Bija@mail.tshbuz

Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!

Тел: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Факс: 152-78-04
WWW.alobank.uz E-mail: info@alobank.uz

Хизматлар лицензияланган

Санъаткор билан санъаткор Сўхбати

Ўзбек театр санъати миллий маънавиятимизнинг бир бўлаги. Ҳақиқат, тарих эврилишлари ҳамда бугунги кун нафаси сахна асарларида ўз ифодасини топади...



ТЕАТР — ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Б.Х. — Рустам ака, сиз яхшигина ролларни қўйилмакдан қилиб ўйнаган, халқимизга танилган актёрсиз. Жозибали овозингиз бор. Тажрибали санъаткор сифатида, мусикали драма театрлари олдида бугунги кунда қандай муаммолар бор...

Б.Х. — Ҳа, хабарим бор. Ўлмас Умарбековнинг «Фоти ма ва Зухра» асарини инценировка қилиб сахнага қўйганингиз — ижодингиздаги ўзингизга хос бурилиш эди. Шундан сўнг «Девона» номли мусикали драмангиз санъат оламида яхшигина шов-шувга сабаб бўлди.

ҳам сўнади. Аслида ижодкорлик барчага хос, фақат шакл ва аъмоллар бўлачкан. Катта бир маънода: яшаш учун галаба қозонишни ҳам ўрганмоқ керак экан. Кўрпакан, жуда катта меҳнатлар эвазига томошабинлари театрга қайтарилган. Ўзи аслида ҳам шундай бўлиши керак. Одамлар театрга (айнан бизнинг театримизга) келишми, демек изланамиз, томошабинлар кўнглига йўл топишга уриниш бор. Фалаба қозонишни ўрганмоқ керак экан, деганда шуларни назарда тутдим.

бўйсунмаепти-да. Ахир бизнинг асосий вазифамиз фақат ёзиш эмас-ку. Юрак қатларида шундай битик бор: театр — муқаддас максаб, бу ерга покиза ҳолда кириш керак. Мусикали драма имкониятларини юзага чиқармоқ эса санъаткор сифатидаги бурчим. Уша, айтганимдек, «Мусикали драма театри керакми?» деб сўраганлар тилларини тишлаб қолсинлар...

Спорт

ЖУРНАЛИСТ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Сиҳат-саломатлик йили спорт мусобақалари шаҳри Наманганда ҳам кўтаринчилик билан бошланди. Бинобарин, саломатлик кўп жиҳатдан спорт билан шуғулланишга ҳам боғлиқ. Бунга жойларда ўтказилаётган спорт мусобақалари мисол бўла олади.

овозингиз вилоят бўйича со- биқ муҳбири, марҳум Фарҳод Йўлчиёв таваллудининг 60 йиллигига бағишланди. «Наманган ҳақиқати» газетаси тахририяти, вилоят теннис федерацияси, Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган хотира турнири теннис муҳлисларининг байрамига айланб кетди. Унда Андижон, Фарғона вилоятларидан

ҳам ҳамкасблар, теннисчилар иштирок эттишти. Профессионал теннисчилар ўртасидаги беллашувларда Арсен Асанов, Евгений Нигматов, Акмал Қаюмовлар чиройли ўйин кўрсатиб, фахрли ўринларни эгаллашди. 50 ва ундан катта ёшдаги хаваскорлар беллашувида вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Аҳмадjon Усмонов, 50 ёшга қа бўлган теннисчилар

бахсида эса Адҳамjon Зиётовлар турнир голиби бўлишди. Журналистлар ўртасида Андижонлик ҳамкасбимиз Аъзамjon Қодиров турнирнинг бош соҳибини қўлга киритди. Фарғоналик Ашурали Маматов иккинчи, яна бир андижонлик теннисчи-журналист Тўлқинjon Сиддиқов учинчи ўринни банд этди. Голибларни тақдирлаш ма-



Фузур туманидаги «Сумбула МДК» кўп тармақли корхонаси икки йил илгари ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда бу ерда фаолият юритаётган ўқув марказида мустақил ҳаёт остида турган ёш қизларга кондитер маҳсулотлари тайёрлаш, сартарошлик, тивувчилик йўналишида касб-ҳунар сирлари ўргатиляпти.

— Корхонамиз ташкил этилганидан буён 200 нафардан зиёд ёшларга сертификатлар бердик, — дейди корхона бошлиғи Дилафруз Мухаммадиева. — Бугунги кунда марказимизни тугатган талабаларимиз томонидан қишлоқ жойларда кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ўндан зиёд кичик цех-



лар, бир қанча бичиш-тиқиш шахобчалари ташкил этилди. Суратларда: куббадўз Латофат Пармонова, корхона бошлиғи Дилафруз Мухаммадиева (ўртада) ишчилар билан тикилдиган маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда. Абдурусул ПАРДА олган суратлар

САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА

- Ўз вақтида, меъёри билан бадантарбия қилган одамга дард яқин йўламайди ИБН СИНО
Сиҳат тиласанг — кўп ема, Иззат тиласанг — кўп дема.
Алишер НАВОЙЙ
Инсон 100 йил яшashi мумкин. Лекин биз ўзимизнинг тийиқчилигимиз, палапартизчилигимиз, ўз оранизимизга нисбатан шафқатсизчилигимиз туйғайли бу муддатни кўп йилларга қисқартириб юборамиз.
И.П.ПАВЛОВ
Одамлар узоқ яшашни хоҳлашади-ю, аммо соғлиқни эҳтиёт қилишмайди.
Ж.ЛАБРОУЕР
Бахтимизнинг ўндан тўққиз улуши саломатлигимизга бўлибди.
А.ШОПЕНГАУЭР
Армондан қолсанг ҳам, Дармондан қолма.
ЎЗБЕК ХАЛҚ МАҚОЛИ
Ёшликда у қадар қадранмайибсан соғлиқ балоғат йилларида чинакам бахтга айланади: умрнинг кўпи кетиб ози қолган пайтда эса одам ҳаётнинг маъзани чақа бошлайди.
Н.М.КАРАМЗИН
Соғлиқ — олтиндан қиммат.
В.ШЕКСПИР
Соғлом одам табиатнинг энг бебаҳо асаридир.
Т.КАРЛЕЙЛЬ

Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

ФАРЗАНД — ЖОНГА ПАЙВАНД
Фарзанднинг оила қувончи, ота-она таянчи, бахти, иқболи, бебаҳо бойлиги эканлиги тараннум этилади. «Фарзанд — белнинг қуввати», «Фарзандим — асал-қандим», «Одамнинг меваси — бола», «Она билан бола — гул билан лола», «Қиз бола — гул-лола», «Бола — кўнглининг гули, кўзининг нури», «Бола — гул, тили — булбул» («Ҳар бир ота-онанинг боласи — ўзига бамисоли гулдек, ширин тили эса булбулнинг сайрашидек завқ-шавқ бағишлайди», дейилмоқчи), «Бол — ширин, болдан — бола ширин», «Йилнинг чироғи — қизи билан ўғли», «Давлатнинг боши — фарзанд», «Фарзандинг — давлатинг, фазилатинг зийнатинг», «Давлатинг — ўғил-қизинг», «Давлатинг — ота-онанг, савлатинг — ўғил-қизинг», «Қизи борнинг бахти бор», «Ўғли борнинг тахти бор», «Ўғил билан қизинг — мисоли икки кўзинг», «Ўғил — унинг булбули, қиз унинг гули», «Ўғил қанотли от бўлса, қиз қанотли қўшдир».

бизга бебаҳо мерос... Ўзинг буни яхши англайсан-ку. Яратганинг ўзи юрагимизга нима-лардир ато этган экан, уни эзгулик учун сарфламасақ оғир гуноҳ... Айниқса, мусикали драманинг мустақам илдири бор, беназир жанр. Бир вақтлар Ҳамза сингари маърифатпарварлар ташкил этган труппалар ҳам мусикали бўлган.

Б.Х. — Ҳар бир актёр ўзи бир дунё. Айниқса, мусикали театр актёри ўзгача олам. Режиссёр сифатида уларни бошқариш сизга оғирлик қилмайдими? Ганнинг лўндаси, улар билан тил топиша ола-яписизми?

Р.М. — Тил топа олаяман, топаман ҳам... Чунки 30 йилдан ошқ вақт ўтдики, айнан шу даргоҳда ўсдим — камол топдим. Театрнинг интеллектуал ижод кўламини яхши биламан. Аллоҳ соғлиқ берса, биргалишиб ёшларга маҳорат сирларини ўргатамиз. Мусикали драманинг миллий, ноёб санъат дурдонаси эканлигини яна намойиш этишга интиламиз. Бу санъат турининг кўп ва хўп жозибали қирралари мавжуд. Унинг очилмаган қирраларини замонавий муаммоларга боғлаб, халқимизга етказишимиз. Ҳали устозларнинг биз тўлиқ билиб улгурмаган сирлари, ўлмас аъналарни кўп. Демак, қиладиган ишларимиз кўп. Буюк файласуфлардан бири Сенека айтганидек, «ўргатиш асносида ўрганаман...» Ҳаммамиз шу тариха яшаб, ижод қилишимиз лозим. Эртанги кун — ёрқин келажак келаяпти изимиздан. Уларга хавасимиз баланд, умидим катта. Бу умид бугунги кунда бизни бириш-тирмоғи керак...

Китоб Жавонингизга!

СОЛИҚ БЎЙИЧА ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

Солиқ — бозор муносабатларида давлатнинг асосий механизмидан бўлиб, иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда, янги техника воситаларини давлатимизга олиб киришда, миллий иқтисодиётни ҳимоя қилишда ва тадбиркорликни ривожлантириш сингари тизимларда ўз самарасини беради. Вазирилар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги 610-қарорига мувофиқ солиқ бўйича янги ўзгаришлар шу йил 1 январдан амалиётга жорий қилинди. Бу ўзгаришлар солиқ оғирлигини камайтириш ва белгиланган имтиёзлар ёрдамида давлат миқёсидаги иқтисодий ўсишни ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган.




Солиқ сиёсатини бугунги кунда аҳолининг ҳамма қатламларига (ёшларга, талабаларга ҳам!) етказишда янги дарслик ва ўқув қўлланмалари асосий манбалардир. Бу борада иқтисод фанлари доктори, профессор Т.Тошмуродовнинг ҳамкасблари — Т.Мирзаев, О.Абдуллаев билан бирга ёзган «Солиқлар ва солиққа тортиш» (Тошкент — «Меҳнат» — 2003 й.) китоби ҳам кўпчиликка таниш. Олимнинг бу гапга етгани — «Солиқлар ва солиққа тортиш» китобида солиқ назариясининг энг қадимги дунёдан бошлаб ҳозирги даврга қадар ривожланиш эволюцияси илмий асослаб берилган. Унда Марказий Осиё давлатлари олимларининг фикри, солиқ бўйича қонуниятлар ва солиққа тортишнинг прогрессив услублари тўғрисида атрафлича

ҳикоя қилинади. (2-боб). Жумладан, Президентимиз Ислам Каримовнинг солиқ органлари мутахассислари камида тўрт давлатнинг солиқ тизимини би-лишлари зарур деган талабга ўқувчилар китобдан тўла жавоб топади. Китобда ривожланган давлатлар (АҚШ, Испания, Олмония, Буюк Британия, Канада, Франция, Швеция ва бошқа)нинг солиқ тизими ҳақида кенг тушунчалар берилган. Шунингдек, китобда биринчи марта икки ёқлама солиққа тортиш муаммолари ечимининг жаҳон тажрибаси ҳам атрафлича баён қилинган. Жумладан, солиққа тортилмайдиган даромад, мол-мулк, имтиёзлар ва солиқдан озод қилиш тадбирлари борасидаги ҳорижий тажрибалар республикамиз миқёсида ҳам жуда-жуда асқотади деб ўйлаймиз.

Кўлланма муаллифлар томонидан Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Солиқ академияси, Олий Ҳарбий божхона институти ва коллежаларда солиқ фанидан дарс бериш жа-раёналарида ортирилган тажрибалар асосида ёзилган бўлиб, илм-фанда яратилаётган ва амалиётга татбиқ этилаётган билимлар натижасидир.

Мазкур рисола «Солиқ ва божхона ҳуқуқий асослари» фани бўйича дастлабки тажриба бўлган туйғайли солиқ ва бож тўловларини ундириш бўйича фикр билдиришни истовчи профессор-ўқитувчилар ўз тақлифларини: WWW.tozabek.narod.ru ва E-mail: tazabek@list.ru манзилга юборишлари сўралади.



росимида сўзга чиққанлар Фарҳод Йўлчиёвнинг ибратли фаолияти, инсоний фазилатлари ва вилоятда теннисни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида гапирдилар. Фарҳод Йўлчиёвнинг умр йўлдоши Зулмурад яа кўрсатилган эҳтиром учун оиласи номидан ташаккур ўқур қилди. Носирjon ДЕҲҚОНОВ

«Эски жува деҳқон бозори» ОАЖ 2005 йил 2 март куни акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади:

- КУН ТАРТИБИ:
1. «Эски жува деҳқон бозори» ОАЖ нинг 2004 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директорининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича молиявий-ҳўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботини кўриб чиқиш.
4. Жамиятнинг 2004 йил якуни бўйича молиявий-ҳўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2004 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият йиллик балансини тасдиқлаш.
6. Даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
7. Жамият директорини сайлаш ва у билан тузиладиган шартнома муддатини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2005 йилга мўлжалланган даромадлар ва харajatлар сметасини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2005 йилги Бизнес планини (иш режасини) тасдиқлаш.
10. «Эски жува деҳқон бозори» ОАЖ таркибидаги «Кўкча-Оқтепа» шахобчаларини ўз тасарруфидан чиқариш ҳақида.
11. 2001 йилга ҳисобланган дивидендлардан акциядорларга тарқатилмай қолган қисми, яъни 4487812 сўм жамият ҳисобиди қолдирилиши ҳақида.
12. Жамиятнинг 2005 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
13. Кузатув кенгашининг таркибига ўзгартириш киритиш.
14. Тафтиш комиссиясининг таркибига ўзгартириш киритиш.
15. Низомига ўзгартириш киритиш.
Акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси бозор ҳудудида жойлашган «Манзура» ЖХ биносиди саот 15.00 да бошланади.
Акциядорларни рўйхатга олиш саот 14.00 дан бошлаб амалга оширилади.
Бизнинг манзил: Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28-уй.
Умумий мажлисда қатнашиши ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2005 йил 1 февраль ҳолати билан ётилади.
Жамият Кузатув кенгаши

УЛУЧШЕНИЕ САНИТАРНОГО СОСТОЯНИЯ ГОРОДОВ И ПОСЕЛКОВ
Предприятие оснащенное современной техникой оказывает услуги по очистке и промывке канализационных сетей, коллекторов и других технологических коммуникаций диаметром от 100 до 1500 мм. Устраняет аварии и засорения, которые невозможно устранить обычными способами. Качество услуг гарантируется.
Обращаться по телефонам: 104-75-08, 110-70-03.

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI; BO'LIMLARI: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; Ma'naviyat va ma'rifot; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot; Parlament va huquq; Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik; Xatlar va ommaviy ishlar; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Termizda; MANZILIMIZ: 70000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.